



23 июн 302ф  
2018 yil "\_\_\_" № \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларни жадал ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашга доир чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сонли қарори ижросини таъминлашни янада такомиллаштириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари ва Олтиариқ туманида кенгайтирилган тарзда ўtkазилган мажлис баёнининг 1- ва 3-бандлари ижросини ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари ва Олтиариқ туманида кенгайтирилган тарзда ўtkазилган мажлис баёнининг 1- ва 3-бандлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Шаҳар ва туманларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сонли қарори ижросини таъминлаш борасидаги 4 та сектор раҳбарлари - ҳоким, прокурор, ички ишлар бўлими ва давлат солиқ инспекцияси раҳбарлари ҳамда уларнинг ишчи гурухлари кунлик фаолияти назоратини таъминлаш, уларни уйма-уй юриш орқали аҳолини майший шароитларини ўрганиш давомида аҳолидан тушаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш борасида олиб бораётган ишлар самарадорлигини чуқур таҳлил этиб, кунлик амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириб борувчи вилоят штаби таркиби 1-иловага, шаҳар ва туманлар секторлари томонидан вилоят штабига аҳоли хонадонларини ўрганиш давомида аниқланган муаммолар ва уларнинг ҳал этилиши бўйича кунлик тақдим этиладиган намунавий шакллар 2-, 3- ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиqlансин.

3. Вилоят штаби (Н.Садриддинов):

Шаҳар ва туманларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сонли қарори ижросини таъминлаш борасидаги 4 та сектор раҳбарлари ҳамда уларнинг ишчи гурухлари томонидан амалга оширилаётган ишлар натижадорлигини кунлик назоратини таъминласин;

шахар ва туманларда ўз секторларида ишларни тўғри йўлга қўймаган сектор раҳбарлари юзасидан тегишлича вилоят прокуратураси, Ички ишлар бошқарма ва давлат Солиқ бошқармасига тақлиф киритиб борсин;

штаб аъзолари фаолиятини самарали ташкил этиш, секторлардан белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни қабул қилиш ҳамда таҳлилий маълумотларни вилоят ҳокими мухокамасига киритсин;

худудларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида секторлар томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ойлик ва чораклик ҳисоботларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ҳисоб Палатаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилишини таъминласин;

мунтазам равишда худудларга чиқсан ҳолда жойларда ташкил этилган секторлар штаблари фаолиятини танқидий ўрганиб, мавжуд муаммоларни бартараф этишида уларга амалий ёрдам берсин.

#### 4. Вилоят, шаҳарлар ва туманлардаги 4 та сектор раҳбарларига:

шаҳар ва туманлар секторлари штабларида аҳоли билан ишлап учун зарур шартшароиг яратилишини ҳамда уйма-уй юриш дафтарлари тўғри юритилишини тизимли равишда назоратини таъминлаш;

ҳар бир сектор штабида ҳар хафтада бир марта фуқаролар ва ойда бир марта тадбиркорлар қабулини ташкил қилиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича тизимли ишларни йўлга кўйиш;

уйма-уй юришда барча хонадонлар тўлиқ қамраб олинини, худуддаги ҳақиқий вазият комплекс ўрганишини, тадбиркорликни ривожлантириш айниқса, оиласиб корхоналарни ташкил этиш масалаларига эътибор қаратиш;

ҳар бир сектор томонидан хонадонларда уйма-уй юриш жараёнида аниқланган муаммоларни ҳал этиш юзасидан масъуллар ва муддатлари аниқ белгилаган ҳолда, “Йўл харита”ларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш, жойида ҳал этишининг имкони бўлмаган муаммолар бўйича “маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят - республика” вертикали бўйича юқори ташкилотларга мурожаат қилиш ва якунига етказилгунига қадар алоҳида назоратга олиш;

**хар чорак якунида** тегишлича Халқ депутатлари вилоят, шаҳарлар ва туманлар Кенгашлари сессиясида амалга оширилган ишлар юзасидан 4 та сектор раҳбарлари ҳисоботларини тинглаш, кейинги чорак “йўл харита”ларини муҳокама қилиш, юқлатилган вазифаларни бажармаганлик учун жавобгарлик чораларини кўриш ва келгусидаги режаларни белгилаб олининишига алоҳида эътибор қаратиш;

худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яъни, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, экспорт салоҳиятини опириш ва бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичларини сўзсиз бажариш, маҳаллий бюджет тушумларининг кўшимча манбаларини аниқлаш асосида даромадни кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиши масалаларига эътибор қаратиш;

ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда белгиланган кўрсаткичлар ижросини таъминлаш ва худудларда ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиш;

соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа ижтимоий соҳа обьектларининг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этишга қаратилган таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш;


уй-жой коммунал ва йўл хўжалиги, электр энергияси ва сув таъминоти муаммоларини аниқлаш ва ўз вактида ҳал этиш, арzon уй-жойлар куриш, худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

имом хатиб ва маҳалла раисларини жалб қилган ҳолда диний оқимга кириб қолган ва бу борада жиноий жазони ўтаб чиқсан шахслар билан сұхбатлар ўтказиш, уларни ишга жойлашишларини таъминлаш;

бариқтирилган маҳалла фуқаролар йигинларида маҳалла масъуллари ва профилактика нозирлари билан ҳамкорликда жиноягчиликни олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини мунтазам ўтказиш, бунда айниқса вояга етмаганлар ва аёллар томонидан содир этиладиган жиноягларни олдини олишга қаратилиган тадбирларни кучайтириш вазифалари тогдирилсин.

5. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш Фарғона вилоятининг 4 та сектор раҳбарлари – вилоят ҳокими, прокурори, ички ишлар бошқармаси ва солик бошқармаси бошлиқларининг зиммаларида қолдирилсин.

Вилоят ҳокими



III. Ганиев

Вилоят ҳокимининг  
2018 йил 23 июнданги  
302-сонли фармойишига  
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги  
ПҚ-3182-сонли қарори ижросини таъминлаш борасидаги 4 та сектор  
раҳбарлари кунлик фаолиятини назоратини таъминлаш, уларни уйма-уй  
юриш орқали аҳолини майший шароитларини ўрганиш давомида аҳолидан  
тушаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш борасида олиб бораётган  
ишлари самарадорлигини чуқур таҳлил этиб, кунлик амалга оширилаётган  
ишларни мувофиқлаштириб борувчи вилоят штаби  
**ТАРКИБИ**

№	ФИШ	Эгаллаб турган лавозими
1.	Н.Садриддинов	Вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гурухи раҳбари, вилоят штаби раҳбари
2.	Х.Маматқулов	Вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гурухи етакчи мутахассиси, вилоят штаби раҳбари ўринбосари
3.	А.Абдасов	Вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гурухи етакчи мутахассиси
4.	Ж.Акбаров	Вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари (келишувга кўра)
5.	Б.Тоҳиров	Ички ишлар бошқармаси масъул ходими
6.	С.Жамолов	Солиқ бошқармаси боп инспектори

Изоҳ: Штаб аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг ўрнига янги  
тайинланган ходим штабнинг аъзоси ҳисобланади.

**Вилоят ҳокимининг**  
**2018 йил №3 шондаги**  
**ЗОГ-ОР -сонли фармойшига**  
**2-илова**

**шахри (туман)да ахоли хонадонларини ўрганини давомида аникланган вилоят ва республика  
даражасида ҳал этиладиган муаммолар**

**жолатига**

№	МФЙ номи, маңзили	Сектор раками	Хоналон эгаси Ф.И.О.	Кўтарилиган муаммо	Маблажи (манбаси)	Муддати	Масъул
1							
2							
3							
...							

Оли хонадонларини ўрганиш давомини этиладиган муаммолар тўғрисида

МАЛЮМОГ

Вилоят хокимининг  
2018 йил 23 июндағи  
Ф-сөзли фармойшилга  
З-илова

2018 йил 23 июндаги  
302-Ф-сонни фармойши

Вилоят ҳокимининг  
2018 йил 23 июндаги  
302-Ф-сонли фармойишига  
4-илова

шахри (тумани) да аҳоли хонадонларни ўрганиш давомида аниқланган муаммоларни  
ҳал этилиши тўғрисида  
**МАЪЛУМОТ**

№	Йўналишлар бўйича	Кўтарилиган масалалар жами	Ҳал этилган масалалар		Бажарилиш жараёнида	
			ЖАМИ	Бажари- лиши (%)	ЖАМИ	Фоизда
	<b>Жами</b>					
1	Оиласардаги ижтимоий-маънавий муҳит бўйича					
2	Табиий газ бўйича					
3	Электр энергияси бўйича					
4	Ичимлик суви бўйича					
5	Йўл бўйича					
6	Кўмир бўйича					
7	Мактабгача таълим бўйича					
8	Халқ таълими бўйича					
9	Соғлиқни сақлаш бўйича					
10	Ишга жойлаштириш бўйича					
11	Банк кредити бўйича					
12	Уй-жой бўйича					
	шундан:					
12.1	Арzon уй-жой олиши					
12.2	Уй-жой бадалини тўлаш					
12.3	Уй-жойини таъмирлаш					
12.4	Уй-жой учун ер ажратилиш					
12.5	Уй-жойга муҳтозис					
12.6	Уй-жойини бўлиши ва номига расмийлаштириш					
13	Хукуқбузарликлар профилактикаси ва ички ишлар органлари билан боғлик масалалар					
14	Тадбиркорлик бўйича					
	шундан:					
14.1	Тадбиркорлик бўйича ер ажратилиш масаласи					

№	Йұналишлар бүйінча	Күтариlgан масалалар жами	Хал этилған масалалар		Бажарылыш жараёнида	
			ЖАМИ	Бажарылыш (%)	ЖАМИ	Фоизда
14.2	Табдиркорлык фаолияти бүйінча					
15	Моддий-ёрдам бүйінча					
	шундан:					
15.1	Нафақа туллары (бюджет)					
15.2	Даволаниши ва дори-дармонга					
15.3	Хомиілік асосида бир марталық моддий ёрдам					
16	Бошқалар					
	<u>Бошқалар шундан:</u>					
16.1	Фуқаролык олии масалалари					
16.2	Паспорт олии ва яңгилаш масалалари					
16.3	Доимий рүйхатга қўйиши					
16.4	Йўл ҳаракатиги тартибсизликлардан норозилик					
16.5	Суд ҳукми бүйінча					
16.6	Жазони енгиллаштириши билан бөвлиқ масалалар					
16.7	Алимент ундириши масалалари					
16.8	Муддатли ҳарбий хизматга жүннатиши масалалари					
16.9	Тугилганлик ҳақида ва никоҳ ҳақида говоҳнома олии масалалари					
16.10	Маҳалладан бериладиган ўсимлик ёзи ва ун миқдорини кўпайтиши					
16.11	Боғдорчилик ва дәхқончилик учун ер майдони ажратиш					
16.12	Такрорий экинга ер майдони ажратиш					
16.13	Туман Ободонлаштириши бошқармаси масалалари					
16.14	Томорқани сувориши бүйінча					
16.15	Ҳақис масалалари					
16.16	Гузар қуриши					
16.17	Машиий хизмат қўрсатиши объекти ташкил этиши					
16.18	Ем шаҳобчаси ташкил этиши					
16.20	Пенсия тўланиши кечикиши билан бөвлиқ масалалар					
16.21	Ёшга доир пенсия масалалари					
16.22	Кадастр масалалари					
16.23	Ногиронлик тайинлаши ва қайта кўриб чикиши					

№	Йұналишлар бүйінча	Күтариlgан масалалар жами	Хал этилған масалалар		Бажарылыш жараённанда	
			ЖАМИ	Бажары- лиши (%)	ЖАМИ	Фоизда
16.24	Мурувват уйига жойлаш					
16.25	Четдеги ўғлани қайтариши					
16.26	Ии хаки вактида тұлғанмаслиги ва камлигі					
16.27	Васийлик					
16.28	Үқишини күчириси ва диплом нострификация қилиши					
16.29	Автобус қўйини, иўл кира хаки масаласи					
16.30	Солиқ соҳаси бүйінча					
16.31	Бинони хусусийлаштириши, ижарага олиш, ажратиш					
16.32	Сизот сувларни қочириши					
16.33	Ноқонундай обьектларни бузиш					
16.34	Электр энергиясыдан карздорлык бүйінча					
16.35	Табиии газдан карздорлык бүйінча					
16.36	Болалар майдончаси куриши					
16.37	Күп қаватли уйлар билан бозлиқ масалалар					
16.38	МФЙ биносини таъмирлаш					
16.39	Экология ва санитария масалалари					
16.40	Олий таълим, колле� ва диплом олиши масаласи					
16.41	Сувурта тұлови бүйінча					
16.42	Авир					
16.43	МФЙ фаолияти бүйінча					
16.44	Санаторияга йүлланма (асосан соглиқни сақлаш тизими томонидан бериладиган йүлланмалар)					
16.45	Алоқа тармози масалалари					